

ИСЛОМИЙ БАНКЛАР ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШИГА ТАЪСИРИНИ АЛОҲИДА МАМЛАКАТЛАР БЎЙИЧА ТАҲЛИЛИ

PhD Жўраев Ботирхўжса
“UZBEK LEASING INTERNATIONAL AO”
лизинг компанияси
ORCID: 0000-0002-5630-5853
uzleasing@mail.ru

Аннотация. Ушбу мақолада исломий банкларнинг мамлакат иқтисодий ўсишига таъсирини мусулмон иқтисодчилар томонидан ўрганишга доир илмий мулоҳазалар баён этилган. Исломий банкларнинг 2021 -2022 йилларда барқарор ривожланиш омиллари ҳамда ўзгаришлар суръатини акс эттиришга бағишиланган. Турли ҳудудлардаги исломий банкларнинг ҳолати таҳлил этилган. Ўзгаришлар сабаблари кўрсатилиб, шарҳ қилинган. Дунёнинг етакчи мамлакатларида исломий банкларни ташкил этиш бўйича қонунчиликка киритилган тузатишлар самарадорлиги тадқиқ этилган.

Калим сўзлар: исломий молия, исломий банклар, сукук, қонунчилик асоси, иқтисодий ўсиш, ислом депозитлари, ялпи миллий маҳсулот.

АНАЛИЗ ВЛИЯНИЯ ОРГАНИЗАЦИИ ИСЛАМСКИХ БАНКОВ НА ЭКОНОМИЧЕСКИЙ РОСТ ОТДЕЛЬНЫХ СТРАН

PhD Жўраев Ботирхўжса
лизинговая компания
“Uzbek Leasing International AO”

Аннотация. В данной статье представлены научные комментарии к исследованиям мусульманских экономистов по влиянию исламских банков на экономический рост страны. Он посвящен отражению факторов устойчивого развития исламских банков в 2021-2022 годах и темпов изменений. Проанализировано положение исламских банков в разных регионах мира. Указаны и объяснены причины изменений. Изучена эффективность изменений в законодательство о создании исламских банков в ведущих странах мира.

Ключевые слова: исламские финансы, исламские банки, сукук, правовая база, экономический рост, исламские депозиты, валовой национальный продукт.

ANALYSIS OF THE IMPACT OF THE ORGANIZATION OF ISLAMIC BANKS ON THE ECONOMIC GROWTH OF INDIVIDUAL COUNTRIES

PhD Jurayev Botirhoja
Leasing company "Uzbek Leasing International AO"

Abstract. This article presents scientific comments on the research of Muslim economists on the influence of Islamic banks on the economic growth of the country. It is dedicated to reflecting the factors of sustainable development of Islamic banks in 2021-2022 and the pace of change. The position of Islamic banks in different regions of the world is analyzed. The reasons for the changes are indicated and explained. The effectiveness of changes in legislation on the creation of Islamic banks in the leading countries of the world has been studied.

Key words: islamic finance, Islamic banks, sukuk, legal framework, economic growth, Islamic deposits, gross national product.

Кириш.

Банк тизими ўзининг воситачилиги туфайли капитал маблағлар тўғри тақсимланиши билан иқтисодий тараққиётни рағбатлантиришда муҳим рол ўйнайди. Ислом молиясининг энг йирик тармоғи бўлган ислом банкчилиги ҳам анъанавий банк тизимининг муқобили сифатида яшовчанлигини кўрсатди ва бозордаги ўз улушини оширди. Фаолияти фоизга асосланган оддий банклардан фарқли равишда ислом банклари молиявий воситачи ва савдо агенти сифатида ҳам иш олиб боради. Ислом банкларининг савдодаги шерик сифатида ўз мижозлари билан муносабати воқеликда иқтисодий фаолиятни рағбатлантиради, бу иқтисодий ўсиш учун муҳим ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда дунёning 100 ортиқ мамлакатида 610 дан ортиқ исломий банклар ишлаб турибди. Мутахассисларнинг фикрича, яқин истиқболда ҳам исломий банк соҳаси жиддий ўсиш кўрсаткичларини сақлаб қолади. Ислом банкларининг асосий активлари Форс кўрфази мамлакатлари ҳамда Малайзия ва Эрон ҳисобига тўғри келади. Ғарбдаги ривожланган мамлакатлар Буюк Британия, АҚШ, Люсембург ва бошқаларда ҳам исломий банклар молия бозорида ўзининг муносиб ўрнини эгалламоқда.

Исломий банкчилик меъёрий кўмак мавжуд мамлакатлarda яхши ривожланмоқда ва келажакда ҳам шундай давом этаётганини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз бўлади. Бунинг мисоли рухсатнома ва меъёрий талабларни олиш, исломий банкчилик воситаларини қўшалоқ солиққа тортишдан четланиш, ислом банкларига савдо фаолияти ва тўғридан-тўғри инвестиция киритиш, корхоналар устав капиталида иштирок этишга рухсат бериш сингари вазиятларда яққол намоён бўлади, шу каби омилларнинг мавжудлиги муқобил воситаларга молия бозоридаги барча иштирокчилар учун тенг ҳуқуқий майдонда ҳаракат қилишга имкон яратади.

Адабиётлар шарҳи.

XX асрнинг якунига келиб, ислом молиясининг барқарор ривожланиши молиявий дунёда янги мунозараларни пайдо қилди. Бир нечта тадқиқотлар ислом банкларининг самарали ва барқарор эканлиги, активлари сифати юқорилиги, харажатлар ва кредит хатарини камайтириш нуқтаи-назаридан самаралироқ эканлигини кўрсатди.

Chowdhury Mohammad, Ashraful Ferdous, Chowdhury Shahed Akbar ва Mohammad Shoyeb (2018)лар нашр этган "Бангладешнинг иқтисодий ўсиши ва хатарларни тақсимлаш ҳамда хатарларни тақсимламасдан молиялаштириш ўртасидаги алоқа" номли мақолада Бангладешнинг, Abd. Majid, Shabri ва Salina Kassim (2015) томонидан нашр этилган "Исломий молиянинг иқтисодий ўсишга таъсирини баҳолаш" номли мақоласида Малайзиянинг иқтисодий шароитида исломий банкчилик ва иқтисодий ўсиш ўртасида ижобий ва давомий алоқадорлик борлигини кўриб чиққанлар.

Муаллифлар алоқадорлик чегараларини текшириш учун авторегрессив тақсимланган кечикишлар (ARDL - autoregressive distributed lags), хатоларни таҳирлаш модели (ECM) ва Грейнжернинг сабаб - оқибатларни алоқадорлиги эконометрик тестидан фойдаланишган, натижада улар исломий депозитлар ялпи миллий маҳсулотнинг ўсишига ижобий таъсир кўрсатишини хulosса қилганлар.

Худди улар каби Hachicha, Nejib, and Amine Ben Amar (2015) "Исломий банк орқали молиялаштириш иқтисодий ўсишга таъсир кўрсатадими? Малайзия вазияти" номли мақоласида 2000 йилнинг 1-чораги ва 2011 йилнинг 4-чораги оралиғидаги давр учун Малайзия иқтисодиётини ўрганиб чиқкан. Муаллифлар бунинг учун исломий банк кредитларининг мамлакатда берилган умумий кредитлар, ялпи миллий маҳсулот ва инвестицияларга нисбатини хусусий сектор учун, исломий молия тизими ва исломий молия орқали жамғарилган капитал учун кўрсаткич сифатида фойдаланган. Улар Йохансенning коинтеграция модели ҳамда хатоларни тузатишнинг вектор моделидан (VECM) фойдаланиб, исломий молиянинг иқтисодий ўсиш билан узоқ муддатли алоқадорлиги қисқа муддатли модель билан солиширганда, кам аҳамиятли экан деб хulosса қилган.

Бундан ташқари Boukhatem, Jamel, and Fatma Ben Moussa(2018)лар "Исломий банкларнинг ЯММ ўсишга таъсири: Шимолий Африка ва Яқин Шарқнинг айrim мамлакатлари мисолида" мақоласида мазкур ҳудуд мамлакатларида исломий молия узоқ муддатли истиқболда аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯММнинг ўсишга олиб келишини аниқлаган. Уларнинг изланишларида исломий молиянинг ўсиши ва иқтисодий ривожланиш ўртасидаги алоқа ўрнатиш учун назарий асос шакллантириб берилган. Хусусан, мазкур ҳудуддаги 13 та мамлакатнинг 2000-2014 - йиллардаги йиллик маълумотлардан фойдаланган ҳолда, коинтеграциянинг панелли модели исломий молия ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги ижобий алоқадорликка қучсиз муассасавий асос таъсир кўрсатиши мумкинлигини кўрсатди.

Тадқиқот методологияси.

Мақолани тайёрлашда илмий нашрларда, халқаро ҳисботларда чоп этилган турли мақолалар, маълумотлар ва шарҳлардан фойдаланилган. Мазкур маълумотларнинг аксарияти ислом молияси ва банкчилиги, муқобил молиянинг бевосита иқтисодий ўсиш каби макроиктисодий кўрсаткичларга алоқадор ҳисобланади. Мақолада жамланган маълумотлар асосида, ислом банкчилигининг ривожланиши анъанавий банклар, ўтган давр маълумотлари билан таққосланган, хulosса ва тахминлар баён этилган. Статистик маълумотлар аниқ ва ишончли манбалардан олинган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Исломий молиявий хизматлар саноати 2022 йилда ҳам юқори суръатларни намоён этди (1-жадвал) ва аввалги йилга нисбатан 11,08 % ўсишга эришди ҳамда унинг кўлами 4,508 млрд.долларгача ўсади, бунга саноатнинг учта тармоғи, хусусан, исломий банкчилик, исломий фондлар ва исломий капитал бозори тармоқларидағи ўсиш ҳисобига эришилди. Исломий молия саноати активларининг 71,9%и исломий банкларга тўғри келади ва 2022 йил давомида 11,7%га ўсади ҳамда унинг салмоғи 3244,0 млрд.долларга етди.

Марокаш сингари ислом молияси у қадар ривожланмаган ва "шериклик банк иши" 2017 йилда жорий этилган мамлакатда ҳам ислом банклари кенгайиб бормоқда. Ташкил этилган вақтдан бери Марокашда ислом банклари активлари йиллик ўртacha 120%га ўсади. Мазкур мамлакатда бошқа етакчи мамлакатларга нисбатан қонунчилик кейинроқ қабул қилинган бўлсада, ислом банклари кўрсаткичининг мана шундай юқори ўзиши ўзига хос натижа деб қайд этиши лозим бўлади.

1-жадвал

2022 йилда исломий молиялаштириш глобал активларининг тақсимоти

Тармоқлар	Хажми (млрд.АҚШ долларида)	Исломий молиявий активларидағи улуши	Муассасалар/ воситалар сони
Исломий банклар	3,244	72%	610
Сукук	788	17%	4,820
Бошқа исломий молия муассасалари	167	4%	917
Исломий фондлар	220	5%	2,233
Такофул	89	2%	344

Манба: <https://api.zawya.atexcloud.io/file-delivery-service/version> маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Шунингдек, 2019 йилда Филиппинда ислом банклари түғрисидаги янги қонун қабул қилинди, бу ерда ҳам мамлакатдаги ва чет эллик банклар шариатга мувофиқ банк бўлимлари очишлари мумкин бўлиб қолди. Аҳоли таркибида мусулмонлар сони у қадар катта бўлмасада, мамлакатда қўшалоқ банк тизимини ташкил этишда молиявий фаол фуқаролар сонини қўпайтириш, чет эллик сайёхлар ҳамда инвесторлар учун қулай муҳит яратиш мақсадлари кўзда тутилган³¹.

2-жадвал

2023 йилда жаҳондаги етакчи исломий банклар ҳақида маълумот

Эгал- лаган ўрни	Муассаса номи	Мамлакат	Исломий активлар	Ўтган йилга нисбатан ўсиш(%)	Банкнинг жами активлари
1	Al Rajhi Bank	Саудия Арабистони	203 298,0	22,24	203 298,0
2	Saudi Natioanl Bank	Саудия Арабистони	169702, 0	10,29	252132,0
3	Kuwait Finance House	Қувайт	119256,0	64,20	119256,0
4	Dubai Islamic Bank	БАА	78475,0	3,28	78475,0
5	Maybank	Малайзия	65659,0	4,80	214924,0
6	Saudi British Bank	Саудия Арабистони	55249,0	12,58	83854,0
7	Alinma Bank	Саудия Арабистони	53450,0	15,54	53450,0
8	Qatar Islamic Bank	Қатар	50550,0	-5,11	50550,0
9	Musraf Al Rayan	Қатар	46026,0	-3,74	46026,0
10	Abu Dhabi Islamic Bank	БАА	45880,0	23,12	45880,0

Манба: <https://www.thebanker.com/The-Banker-s-Top-Islamic-Financial-Institutions-2023> асосида муаллиф ишланмаси.

2- жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, жаҳоннинг энг йирик исломий банклари ўнталигига Саудия Арабистонининг тўртта банки жой олган. Жаҳоннинг энг йирик исломий банки - Al Rajhi Bank ҳам айнан шу ерда жойлашган. Мазкур банкнинг активлари 203,0 млрд.доллардан ошган ва ўтган йилга нисбатан активлари 22 фоизга кўпайган. Шунингдек, Қувайтнинг Kuwait Finance House банки активлари 64 фоизга кўпайиб, жаҳон рейтингига 3-ўринни эгаллаган. Ҳар икки банк буткул исломий банк ҳисобланади.

Мазкур рўйхатда 5-ва 6-ўринларни эгаллаб турган Малайзиянинг Maybank ҳамда Саудия Арабистонининг Saudi British Bankлари мос равища 4,8 ва 12,58 фоизга ўсишни

³¹ Islamic Banking Act passed in the Philippines”, ZICO Law, November 25, 2019

қайд этган бўлсаларда, жадвал маълумотларидан ушбу банкларда анъанавий банк фаолияти ҳам мавжуд эканини кузатамиз. Бундай ёндош, муқобил банк фаолияти жаҳон тажрибасида жуда ноёб, ўзига хос ҳисобланади ва банк ишини паралель фаолият илиша ташкил этиш орқали амалга оширилади. Дастраси энг йирик ўн исломий банк рўйхатида Қатар ва БААнинг ҳам икки банки жойлашгани ҳолда, БАА исломий банкларида активларни ўтган йилга нисбатан ортганини қайд этиш лозим. Йирик исломий банклар активларининг бундай кўлами қонунчилик асосини тўғри йўлга солингани ҳамда ички ресурсларни сафарбар этиш имкони яратилгани билан изоҳланади.

3-жадвал

2022 йилда исломий банк активлари ҳудудлар бўйича

Ҳудудлар	Активлар (млрд.долларда)
Жанубий-Шарқий Осиё	335
Форс кўрфази Араб давлатлари ҳамкорлик кенгаси	1376
Яқин Шарқ ва Шимолий Африка	1371
Европа	72
Бошқалар	90
Жами:	3244

Манба: <https://api.zawya.atexcloud.io/file-delivery-service/version> маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

3-жадвал маълумотларидан жаҳондаги энг йирик ислом банклари активлари Форс кўрфазидаги Араб давлатлари ҳамда Яқин Шарқ ва Шимолий Африка ҳудудларига жамлангани намоён бўлади. Жами исломий банклар активларининг 85%и ёки 2747,0 млрд.доллари айнан шу ҳудуд мамлакатларига тўғри келади. Эрон(1312,0)³², Саудия Арабистони(723,0), БАА(213,0), Қувайт(188,0), Қатар(142,0), Баҳрайн(96,0) каби мамлакатларда энг йирик исломий банклар жойлашган бўлиб, улар кенг кўламдаги исломий банк фаолиятини амалга ошироқдалар.

Жанубий Шарқий Осиё ҳудудидаги мамлакатлар Малайзия(278,0) ҳамда Индонезия(46,0)да ҳам исломий банклар активлар катта салмоққа эга ҳисобланади ва исломий молия активларининг аксарият қисми уларнинг улушига тўғри келади.

Эрондаги банк активларининг барчasi исломий ҳисоблангани ҳолда, 2022 йил якуни бўйича Саудия Арабистони исломий банклари активлари салмоғи мамлакат банк тизими активларининг 50%дан ортиғини ташкил этди, исломий банклар активларининг ўсиш тенденцияси давом этмоқда.

Хулоса ва таклифлар.

Исломий банклар азалдан фаолият юритаётган мамлакатларда исломий банклар активларининг ялпи миллий маҳсулот (ЯММ) га бўлган нисбати ҳам юқори улушни қайд этмоқда. Жумладан, Баҳрайн исломий банклар активлари мамлакат ЯММга нисбатан энг юқори - 111% кўрсаткични ташкил этди. Бу кўрсаткич Эронда - 79%, Қувайтда - 37%, Қатарда - 31% ва БААда - 24%ни ташкил этмоқда. Юқорида қайд этилган Баҳрайндан ташқари барча мамлакатлар ялпи миллий маҳсулот юзлаб миллиард долларда экани инобатга олинса, келтирилган рақамларнинг кўламини тасаввур этиш қийин эмас (Қувайт ва Қатарда ЯММ - 200 млрд.доллардан, БААда -600 млрд.доллар, Эронда - 1 трлн.доллардан ортади).

Исломий молия ва унинг энг йирик таркибларидан бири исломий банкчилик ҳар қандай муаммонинг ечими эмас, шундай бўлсада унинг бир қатор афзалликлари ва имкониятлари мавжуд:

³² Қавс ичидаги рақамлар мана шу мамлакат исломий банклари активлари миқдорини(млрд.долларда) англатади.

- Мамлакатимизда исломий банкларнинг пайдо бўлиши Форс кўрфази, Яқин Шарқ ва Жанубий - Шарқий Осиё мамлакатлари билан савдо - иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашга кўмак беради, мазкур мамлакатларда ҳам исломий банклари фаолият юритади ва улар республиканизнинг ташқи иқтисодий ўзаро ҳамкорликдаги амалиётлари учун қулай ва ишончли восита бўлиш эҳтимоли юқори;
- Исломий банкчилик пайдо бўлиши билан Ислом Тараққиёт банкидан инвестициялар жалб қилиш қўлами ортади;
- Исломий банклар фойда олиш учун реал иқтисодиётнинг қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва саноат соҳаларига маблағ киритади, бу импорт ўрнини қоплашга йўналтирилган лойиҳаларни молиялаштириш ва диверсификация қилиш ҳисобига мамлакат иқтисодий ўсишига ижобий ёрдам беради;
- Исломий банклар мамлакатимиз банк сектори ранг - баранглигини таъминлайди, етарли даражада ривожланса, рақобат муҳитини оширади. Муробаҳа ва ижара каби ислом банки маҳсулотлари товарлар, уй - жой ва автомобиллар сотиб олишда ўзига хос муқобил молиялаштириш усуллари бўла олади. Исломий банклар оддий банклар учун ноодатий бўлган банк ва мижоз ўртасидаги хатарларни, фойда ва зарарларни тақсимлаш тизими орқали фуқароларнинг банк тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлайди;
- 2008 йилдаги молиявий инқирозлар вақтида қўрсатилган барқарорлик туфайли исломий банклар жозибадор бўлиб қолди, бу улар фаолиятининг кам хатарли эканлиги билан асосланади;
- Исломий банклар диний сабабларга мамлакатнинг иқтисодий фаолиятида иштирок этмаётган аҳолининг маблағларини инвестициявий омонатларга жалб этишнинг янги воситаси бўла олади.

Adabiyotlar/ Литература/ Reference:

- Abd. Majid, M. Shabri, and Salina H. Kassim. (2015). Assessing the contribution of Islamic finance to economic growth. Journal of Islamic Accounting and Business Research 6: 292–310.*
- Boukhatem, Jamel, and Fatma Ben Moussa. (2018). The effect of Islamic banks on GDP growth: Some evidence from selected MENA countries. Borsa Istanbul Review 18: 231–47.*
- Chowdhury, Mohammad Ashraful Ferdous, Chowdhury Shahed Akbar, and Mohammad Shoyeb. (2018). Nexus between risk sharing vs non-risk sharing financing and economic growth of Bangladesh. Managerial Finance 44: 739–58.*
- Hachicha, Nejib, and Amine Ben Amar. (2015). Does Islamic bank financing contribute to economic growth? The Malaysian case. International Journal of Islamic and Middle Eastern Finance and Management 8: 349–36.*